

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 77 (1081)
15
АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

Марксизм-ленинизм байроғи остида,
Коммунистик партия раҳбарлигида ком-
мунизм ғалабаси сари, олға!

1958 йил 1 Май муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқро бирдамлик кун, барча мам-
лакатлар ишчиларининг қардошлик кун — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Халқро пролетариатни жанговар бирдамлиги — социализм
ишининг энгилмаслик гаровидир! Пролетар интернационализи байроғи-
ни баланд кўтарайлик!

4. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган
барча халқларга қардошлик салом!

5. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Атом ва водород қуроли-
ни тақиқлаш учун, қуроли-яроғларни ва қуроли кучларни камайтириш
учун курашингиз! Ҳаммагиз янги уруш хавфига қарши, тинчлик ва
халқлар ўртасида ҳамкорлик учун курашингиз!

6. Жаҳон халқлари! Совет Иттифоқи атом ва водород қуроли барча
турларнинг синовларини тўхтати. АҚШ ва Англия ҳукуматларидан
атом ва водород қуроли синовларини дарҳол ҳамма жойда ва абдий тўх-
татишни талаб қилингиз!

7. Яшасин барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партия-
лари — ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг авангарди! Улар-
нинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги қардошларча
ҳамкорлиги мустақамлансин!

8. Барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг ва меҳнаткашлар-
нинг ҳаракат бирлиги яшасин ва мустақамлансин! Тинчлик, демократия
ва халқлар мустақиллиги учун курашда коммунистлар, социалистлар ва
барча прогрессив кучлар ўртасидаги ҳамкорлик кенгайсин!

9. Яшасин тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигининг мустақам таянчи —
қудратли социалистик лагер! Социалистик мамлакатлар халқларининг
улуг ҳамкорлиги мустақамлансин ва яшасин!

10. Социализм кураётган улуг Хитой халқига қардошлик салом!
Яшасин бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи бўлган совет ва хи-
той халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

11. Социализм кураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашла-
рига қардошлик салом! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

12. Социализм кураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткаш-
ларига қардошлик салом! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

13. Социализм кураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашла-
рига қардошлик салом! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

14. Янги ҳаёт кураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда
миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик
Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва
вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

15. Яшасин Германия Демократик Республикаси — бутун Германия-
нинг милитаризмни янгидан вужудга келтиришга қарши, ўз ватанини
тинч, демократик асосда бирлаштириш учун курашаётган тинчликсевар
кучларининг таянчи! Социализм кураётган Германия Демократик Рес-
публикаси меҳнаткашларига қардошлик салом!

Германия Федератив Республикасининг милитаризмга қарши ва бун-
десверни атом қуроли билан қуроллантиришга қарши курашаётган меҳ-
наткашларига ва барча прогрессив, тинчликсевар кучларига қардошлик
салом!

Европада тинчлик саодати йўлида совет ва герман халқлари ўртаси-
даги дўстлик мустақамлансин!

16. Социализм кураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда
миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократ-
тик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва
корейс халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

17. Социализм кураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнат-
кашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртаси-
даги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм кураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашла-
рига қардошлик салом! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм кураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткаш-
ларига қардошлик салом! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм кураётган Чехословакия Республикаси халқларига
қардошлик салом! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги
бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм кураётган Югославия меҳнаткашларига қардошлик
салом! Яшасин Совет Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Рес-
публикасининг халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

22. Ўз Ватанининг тараққиёти учун, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик
учун курашаётган улуг ҳинд халқига қардошлик салом! Совет Иттифо-
қи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустақам-
лансин!

23. Чет эл империалистларига ва уларнинг малайларига қарши ку-
рашда ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган
Индонезия халқига қардошлик салом!

24. Тинчлик учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини
мустақамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига
қардошлик салом!

25. Яшасин бутун дунёда мустақам тинчликнинг гарови — Совет
Иттифоқи, Англия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция халқлари-
нинг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

26. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳам-
корлик ривожлансин ва тобора мустақамлансин!

27. Яшасин Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўрта-
сидаги халқларнинг ҳуқуқий тенглиги, ўзаро ишончи ва ҳурматига асос-
ланган дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқла-
ри ўртасида дўстлик муносабатлари мустақамлансин ва ривожлансин!

29. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўст-
лик ва ҳамкорлик!

30. Милитаризмга қарши, ўз мамлакатининг тинч, демократик ва
мустақил ривожланиши учун курашаётган япон халқига қизгин салом!

31. Империалистларнинг янги мустамакачилик планларига қарши,
ўз давлатларининг миллий мустақиллиги ва суверенитетини мустақам-
лаш учун курашаётган Араб Шарқи халқларига қизгин салом!

32. Империалистик зулмга қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақил-
лиги учун курашаётган мустамака ва қарам мамлакатларнинг халқла-
рига қизгин салом!

33. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — ижти-
мий тузумлари турлича бўлган давлатларининг тинч-тотув яшашини таъ-
минловчи сиёсат, тинчликни сақлаш ва мустақамлаш, барча мамлакат-
лар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

34. Яшасин Ватанимиз хавфсизлигининг посбони, ғалабалар билан
шуҳрат қозongan шавкатли Совет Қуроли Кучлари!

35. Яшасин совет тузумининг бузилмас негизи бўлган ишчилар син-
фи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи!

36. Яшасин ва яшасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч
ва қудратининг манбаи — СССР халқларининг қардошлик дўстлиги!

37. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар! Бутун кучимизни партиямиз
XX съездининг қарорларини амалга оширишга, коммунизм қуришдан
иборат улуг ишга сафарбар қилайлик!

38. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик
мусобақасини янада кенг аж олдирайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот
етиштириш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга
етиб олайлик ва улардан ўзиб кетайлик!

39. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Саноат ва қурилишни бош-
қариш янги системасининг афзалликларидан тўла фойдаланингиз, корхо-
на ва қурилишлардаги резервларни аниқлангиз ва ишга солингиз!

40. Халқ хўжалиги кенгашларининг ходимлари! Саноат ва қурилиш-
га раҳбарликни яхшилангиз, давлат интизомига риоя қилиш ва план топ-
шириқларини бажариш учун, социалистик индустрияни янада зўр куч би-
лан юксалтириш учун курашингиз!

41. Оғир саноат — бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг,
халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада оширишнинг,
Ватанимиз қудрати ва хавфсизлигини янада мустақамлашнинг негизи-
дир! Оғир индустрия ходимларига шон-шарафлар бўлсин!

42. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Илғор тажрибани иш-
лаб чиқаришга жорий қилингиз, техникани тараққий эттириш учун ва
меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашингиз!

43. Ишчилар, инженерлар, техник ва мастерлар! Янги техникани
кўнгил билан жорий қилингиз! Ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини
яхшилангиз, корхоналарнинг бир меёрга ишлашини таъминлангиз, со-
циалистик меҳнат интизомини мустақамлангиз!

44. Совет индустриясининг меҳнаткашлари! Иқтисодий тежаш учун
курашингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камай-
тирингиз!

45. Совет металлурглари! Ишлаб чиқаришнинг техникасини ва тех-
нологиясини такомиллаштирингиз, корхоналарнинг резервларидан тўла
фойдаланингиз! Халқ хўжалигига руда, чуян, пўлат, прокат, рангли ва
нодир металлларни кўпроқ берайлик!

46. Машинасозлик ва асбобсозлик корхоналарининг ходимлари! Ғоят
унумли ишлайдиган машина-ускуналар ва приборларнинг янги турлари-
ни тезроқ яратингиз ва ўзлаштирингиз, халқ хўжалигини илғор техника
билан қуроллантириш учун кўнгил билан курашингиз!

47. Ёқилган саноатининг ходимлари! Ишлаб чиқариш планларини тў-
ла ва ошириб бажариш учун курашингиз! Мамлакатга кўпроқ кўмир,
нефть ва газ берайлик!

48. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчалари-
нинг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тез-
роқ ишга тушингиз ва ўзлаштирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр қув-
вати берайлик!

49. Химия саноатининг ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга
тушингиз, пластик массалар, синтетик ва сунъий тола, синтетик
каучук ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

50. Совет бинокорлари! Қурилишнинг индустриал методларини кенг
жорий қилингиз! Янги саноат корхоналарини, уй-жой биноларини, касал-
хоналарни, мактабларни ва бошқа маданий-маиший муассасаларнинг
биноларини қуриш суръатларини тезлатингиз ва сифатини яхшилангиз!

51. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Ватанимиз-
даги қурилишлар учун бинокорлик материалларини кўпроқ ишлаб чиқа-
рингиз ва уларнинг сифатини яхшилангиз!

52. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Мамлакатга
ёғоч ва тахталарни, юқори сифатли мебель ва қоғозни кўпроқ берайлик!

53. Ёнгил саноат ходимлари! Аҳоли учун сифатли ва чиройлик газ-
ламаларни, яхши кийим-кечакларни, пишқи ва нафис пойфазал ҳамда
бошқа товарларни кўпроқ берайлик!

54. Ўзиқ-овқат товарлари саноати ходимлари! Аҳоли учун ўзиқ-овқат
маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз ва
уларнинг сифатини яхшилангиз!

55. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, маҳ-
сулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

56. Совет транспорти ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташиб бериш-
ни таъминлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Янги
техникани кўнгил билан жорий қилингиз!

57. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини тинмай ривожлантирин-
гиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио ва теле-
виденининг пухта ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни
яхшилангиз!

58. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Колхоз тузумини янада ривожлан-
тириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғри-
сидаги Қонун социалистик қишлоқ хўжалигини янада ўстиришнинг янги
ажойиб истиқболларини очиб беради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши-
ни кескин суратда ривожлантириш юзасидан партия томонидан ишлаб
чиқилган талбирларни амалга ошириш учун кўнгил билан курашингиз!

59. Қишлоқ хўжалик механизаторлари! Техникадан яхшироқ фойда-
ланингиз! Қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш даражасини
оширингиз ва сифатини яхшилангиз! Новаторларнинг тажрибаларини
кенг қўлланингиз!

60. Колхозчилар, совхоз, ремонт-техника станциялари ва МТСлар-
нинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Меҳнат унумдорлиги
ни оширингиз ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини ка-
майтирингиз!

Ватанга дон, гўшт, сут, пахта, жун, зигир, лавлага, картошка, саб-
завот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

61. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини бутун
чоралар билан ривожлантирингиз, унинг учун мустақам ем-хашак ба-
заси вужудга келтирингиз, чорва молларининг махсулдорлигини ошири-
нгиз! Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йил-
ларда Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик!

62. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Эришилган муваффақиятларни
мустақамлангиз ва қўриқ ерларни янада ўзлаштириш учун курашингиз,
дон экинларидан муттасил ва юқори ҳосил олинишига эришингиз, чор-
вачиликни ривожлантирингиз!

63. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Кўклам экиш ишларини муваффа-
қиятли ўтказайлик. 1958 йилда барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқо-
ри ҳосил етиштирайлик!

64. Савдо ва умумий овқатланиш ходимлари! Хизмат кўрсатишнинг
юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини
тўла қондирилингиз!

65. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет аппаратининг ишини
яхшилангиз! Бюрократизмни ва сансалорликни қатъий равишда туга-
тингиз! Меҳнаткашларнинг талабларига ва эҳтиёжларига ғамхўрлик би-
лан қарангиз!

66. Совет фани ва олий ўқув юр்தларининг ходимлари! Фани янада
тараққий эттириш учун курашингиз, техникани тараққий эттиришда фан-
нинг ролини оширингиз, мутахассислар тайёрлашни яхшилангиз! Яша-
син социализмнинг самараси бўлган илғор совет фани!

67. Дунёда биринчи Ер сунъий йўлдошларини учирган ва космик
бўшлиқни ўзлаштиришга йўл очган совет олимлари, инженерлари, тех-
никлари ва ишчиларига шон-шарафлар бўлсин!

68. Адабиёт ва санъат ходимлари! Мамлакатнинг маънавий бойлик-
ларини кўпайтирингиз! Асарларнинг юксак гоёвийлиги ва бадиий маҳо-
рати учун курашингиз! Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан маҳкам,
чамбарчас алоқаси учун курашайлик!

69. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оши-
рингиз, мактабларни политехнизациялаш учун курашингиз! Ёш авлодни
Совет Ватанига, коммунизм ишига муҳаббат ва садоқат руҳида тар-
биялангиз!

70. Медицина ходимлари! Халқ соғлигини сақлаш ишларини яхши-
лангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасалари иши-
даги маданиятни оширингиз! Медицина фанининг муваффақиятларини
практикага жорий қилингиз!

71. Яшасин мамлакатимизда ҳокимиятнинг чинакам халқ органла-
ри — меҳнаткашлар депутатлари Советлари! Яшасин социалистик де-
мократия!

72. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини
кучайтирингиз, ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб
этингиз! Ишчи ва хизматчиларнинг моддий фаровонлиги ва маданий са-
виясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

73. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари — совет хотин-
қизлари!

74. Яшасин Бутуниттифок Ленини Коммунистик Ёшлар Союзи —
Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қу-
рувчи ёшларнинг илғор отряди!

75. Йигит ва қизлар! Улуг халқимизнинг муносиб фарзандлари, ком-
мунизмнинг толмас қурувчилари бўлингиз!

76. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Меҳнатсевар ва интизомли
бўлингиз! Билимларни кўнгил билан эгаллангиз! Ленининг улуг
иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

77. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XX съездининг қарорла-
рини бажариш учун, СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ кураши-
нинг олдинги сафарида бўлингиз!

78. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Коммунистик партия билан
халқнинг бирлиги — социалистик тузум куч-қудратининг манбаидир,
коммунизм қурилишида янги муваффақиятларнинг гаровидир! Яшасин
партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

79. Яшасин коммунизм кураётган улуг совет халқи!

80. Яшасин Совет Иттифоқининг қаҳрамон ишчилар синфи!

81. Яшасин Совет Иттифоқининг шонли колхозчи деҳқонлари!

82. Яшасин бизнинг халқ, совет зиёлиларимиз!

83. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, бутун
дунёда тинчликнинг тош метиндек мустақам таянчи — Совет Соци-
алистик Республикалари Иттифоқи!

84. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

85. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк
илҳомлантирувчи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси!

86. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳ-
барлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

87. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

Ҳаммаси болалар учун



Яқинда Тошкент Халқ ҳўжалиги кенгашининг ташаббуси билан Оқуш офицерлар уйда болалар пойафзали ҳамда кийим-кечаклари ташаббуси очилди. Унда намоён қилинган хилма-хил оёқ-ки-йимлари, пальто ва қўйлақлар, бош кийимлари, мактаб формалари республикамизнинг турли шаҳарларидаги санат корхоналарида, мо-далар уйда тайёрланган.

Бу ерда Тошкент, Фарғона, Самарканд, Бухоро Совнархозла-рига қарашли санат корхоналари коллективлари юборган болалар оёқ-ки-йим ҳамда кийим-кечакларининг янги модалари бор.

Суратда: виставка зали. И. Глаузеров фотолари.

ШАХМАТ

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Олмоста шаҳрида СССР биринчи-лиги учун ўтказилган зонал му-сабақаларнинг тўқтинчи тури ўй-налди. Молдавиянинг спорт мастери Жукевичий билан Сарваров (Ўзе-рхон) партияси жуда қизиқарли бўлди. Уйин кескинлашган бир пайтда Сарваров комбинация ишла-тиб, фарзини бир фил ва бир отга алмаштириб юборди. Беш соат да-вом этган қизғин курашдан сўнг уйин Сарваровнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди. Олмосталии шахмат ҳаваскорлари бу партияни эўр қизиқиб билан кузатиб турди-лар. Шундан сўнг набаздаги пар-тиялардан ташқари кечиктирилган ўйинлар ҳам давом эттирилди.

Утган тўқтинчи турдан сўнг Жу-кевичий саники имкониятдан 6,5, Говбиндер аса 9 имкониятдан 6,5 ҳамда Грушевичий, Гусев ва Нур-мамедовлар 9 имкониятдан 6 тадан очко тўплаб, турнир жадалида ол-дида бермондалар.

Мусобақа давом этмоқда.

«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИНING БИРИНЧИ ЮТУГИ

Утган яшанба кўни марказий «Пахтакор» стадионда футбол бў-йича мамлакат биринчилиги учун «Б» класда ўйнади командалар-нинг навбатдаги мусобақаси бўлди. Майдонга «Пахтакор» (Тошкент) ва «Металлург» (Нижний Тагил) ко-мандалари чиқдилар.

Ўйна дастлабки минутларда қизғин тўс олди. Тошкентликлар тез ва кескин сурият билан қарш томон дарвозасига кетма-кет ҳужум қила бошладилар. Аммо меҳмонлар ўз дарвозаларини қаттиқ турли ҳи-саби қилидилар.

Ўйнинг иккинчи ярмида «Пах-такор» командасининг ўйинчилари ҳужуми янада кучайтирилди. Орадан 23 минут ўтган улар ҳи-саби очдилар.

Шундан сўнг ўйин янада кескин-лашди. «Металлург» командасининг ўйинчилари ҳисоби бараварлашти-риш, «Пахтакор» командасининг ўйинчилари аса ютқини мустаҳ-камлаш учун ҳаракат қилдилар. Ана шу зайлда давом этган қара-ма-қарши ҳужумларнинг бирла-ша «Пахтакор» командасининг ҳужу-мчилари усталлик билан комбинация ясайдилар ва қарши томон дарво-засига яна бир тўп киритдилар. Бу ҳисоб ўйиннинг охиригача ўз-гармай қолди ва «Пахтакор» ко-мандаси дастлабки икки очкони қўлга киритди.

Х. АБДУСАМАТОВ.

Телевидор Экранида

15 АПРЕЛДА

19.30 Ёшлар учун «Ком-сомол ҳақида» деган эшитти-риш.

20.30 Бадий фильм. «Улар биринчилардан эди».



1. Тошкент телевидение студияси 13-апрель кўни биринчи марта «Пахтакор» стадиондан футбол ўйинини олиб кўрсатди. Сур-атда: старший оператор Н. Васильев ва бош оператор П. Расулов ўртоқлар «Пахтакор» (Тошкент) ва «Металлург» (Нижний Тагил) командалари ўртасидаги футбол мусобақасини олиб бермондалар. 2. Утган яшанба кўни Тошкентда баҳор байрами ҳаваскорларнинг концерти. В. Мазур ва Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропганда бўлими — 136. Совет қўрилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ ҳўжалик бўлими — 135. Санат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50. Ёшлар бўлими — 38142.

Р. 05331.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриятининг босмаҳонаси.

№ 5-452.

Совет олимлари Болгария фанлар академиясининг фахрий аъзолари

СОФИЯ, 12 апрель. (ТАСС). Бол-гария телеграф агентлиги билдири-ди: Болгария Фанлар академияси-нинг яқинда бўлиб ўтган умумий мажлисида фанлар академиясининг янги 20 ҳақиқий аъзоси ва кор-респондент-аъзоси сайланди. Бундан ташқари чет эл олимларидан ўн ки-ши Болгария фанлар академияси-нинг фахрий аъзолари ва аъзолари қилиб сайланди. Булар орасида совет олимлари — академиклардан А. В. Палладин, А. В. Топчиев, К. И. Скрабин, И. П. Герасимовлар бор.

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг съездида

ДЕХЛИ, 13 апрель. (ТАСС). Амритсардан хабар беришларига кўра, Ҳиндистон Коммунистик пар-тиясининг фахруллоҳда бешинчи съезди кеча сийсий аҳвол тўғрисида Марказий Комитет томонидан съезд қаромонига тақдим этилган резо-люция проектини маъқуллаган.

ИНДОНЕЗИЯ ХУКУМАТ ҚУШИНАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ЖАКАРТА, 13 апрель. (ТАСС). Хукумат қўшинларининг Марказий Суматрада исён ўчоқларини ажа-риб қўйиш ва бостириш йўлидаги операциялари тамом бўлиб қол-ди. Хукумат қўшинлари Палаван ва Букитинг шаҳарларида жойлашган исёнчиларнинг аэродромлари районлар билан деярлик бутун асосий алоқа-ларини узиб қўйдилар. Кеча армия штабнинг бошлиғи Насутионинг бўйруғига мувофиқ биринчи ҳарбий округнинг қўшинлари исёнчилар тўдасининг сўнгги қароргоҳи бўл-ган Тапануинг исёнчилардан тоза-лашга киришдилар. Тапануинг Бу-китингидан қарб-шимода жой-лашган.

Матбуот исённинг яқин кунларда тўғатилишидан дарак беради.

АҚШда совет полковларининг ғалабаси

НЬЮ-ЙОРК, 12 апрель. (ТАСС). Кеча Норман шаҳрида (Оклахома штати) Америка Қўшма Штатларида меҳмон бўлиб келган совет полков-лари командаларининг биринчи тўқ-тиши ўтказилди. Ўрқин кураш бўйича мусобақалар бўлди. Совет спортчи-лари Америка Қўшма Штатлари ко-мандаларини 7:1 ҳисоби билан енги-лар.

Энг энгил вазиндаги М. Палкала-манидзе (СССР) Деагладонинг йиғи-ди. Ярим энгил вазиндаги Т. Мак-кени (АҚШ) В. Арсенал усталига ғалаба қозонди. Очко ҳисобида эн-гил вазиндаги Л. Салимуллин (СССР) Д. Хоукни, энгил вазиндаги В. Си-нявский (СССР) Н. Коллин, ярим ўрта вазиндаги В. Балавадзе (СССР) Д. Блунони ютди.

Совет полковни Г. Схиртладзе (Г-та вазин) Ф. Дэвисни йиғиди. Ярим оғир вазиндаги В. Кузнец (СССР) очко ҳисобида Ф. Розенф-ер устидан, оғир вазиндаги О. Кан-делари (СССР) Г.Реслер устидан ғала-ба қозонди.

Бугун Стилустерда (Оклахома штати) совет полковларининг ик-кинчи мусобақаси ўтказилди.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ Австриянинг пойтахти фа-шинист оккупациясидан озод қилин-ган куннинг 13 йиллиги муноса-бати билан Венада шаҳарни озод қилиш вақтида ҳалок бўлган со-вет жангчиларининг қабрлари ва ҳайкаллари ёнига гулчамбарлар қўйилди.

◆ Миланда 36-халқаро ярмар-ка очилди. Бу ярмаркада 32 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия, Фран-ция ва халқ демократияси мамла-катлари қатнашмоқда. Ярмарка очилган биринчи кунданроқ жуда кўп кишилар совет навиёналарига келмоқдалар. Улар СССР ма-шинасозлик сановати маҳсулотини, ошпака, медицина ускуналарини, электр асбобларини, энгил ва озиқ-овқат сановати товарларининг виставкага қўйилган нусхалари бил-лан завқланиб танишмоқдалар.

◆ Бирлашган Араб Республи-

Чехословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши тўғрисида ахборот

ПРАГА, 12 апрель. (ТАСС). Че-хословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши тўғри-сида бу ерда эълон қилинган ахбо-ротда бундай дейилади:

Шу йил 10 апрелдан 12 апрелга қадар Прагада Чехословакия Рес-публикаси, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Рес-публикаси ташқи ишлар министр-ларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кен-гашда Чехословакия Республикаси-нинг ташқи ишлар министри В. Давид, Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Л. Больц ва Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри вазифасини бажар-увчи М. Пашковский қатнашди. Министрлар халқаро аҳволнинг ҳозирги ривожланиши билан боғлиқ бўлган ва уч мамлакат манфаатла-рига тааллуқли баъзи масалаларни муҳокама қилдилар.

Дўстона вазинда ўтган кенгаш муҳокама қилинган ҳамма масала-ларга доир қарашларда тўза бирлиқ берилиши таъкидланди ва ақдрилиқ билан ҳулосалар чиқарилиди.

Уч министр шундай фикрладир-дики, Германия Федератив Респу-бликаси қуроли қушларини атом ва ракета қуроли билан қуролатириш тўғрисида Габрий Германия бундес-тати қабул қилган қарор Европадаги кескинлиқни кучайтириб юборади. Габр давлатлари, Германия Федера-тив Республикаси атом қуроли билан қуролатиришмайди, деб неча мар-таба бариб беришларига қарамай, ҳозирги кунда Габрий Герма-ния қуроли қушлари Америка Қўш-ма Штатларининг ердан билан шу қуроли олини лозим. Янгида тик-ланаётган герман империализми ва милитаризми Европадаги тинчлик учун асосий халфидир. Германия Фе-дератив Республикаси Европада ре-валюцияни эўр бериб қўллаб-қувват-лаётган ва территориялар олинини очкидан-очки даъво қилаётган бир-дан-бир давлатдир.

Халқлар халқаро кескинлиқни юм-шатишга интиляётган ва атом бил-ан эўр бериб қуролашнинг тўхта-тишини талаб қилаётган бир даврда бундестагининг қабул қилган қарори Европа халқларининг асосий равиш-да ташвишланишига ва ғазаблани-шига сабаб бўлмоқда.

Федерал хукуматнинг сийсати Габрий герман аҳолисининг қуро-лсизланишига ва тинчликка мушток бўлган катта кўпчилигининг истак-ларига эътибор бўлиб қўйилмоқда. Европада тинчлиқни таъминлаш, Германиянинг ўзида кескинлиқни

юмшатиш ва ҳар иккала немис дав-латини бир-бирига ақинлаштириш Германия Демократик Республикаси томонидан бир неча мартабала қилин-ган конструктив тақдирларнинг асо-сий темаси бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Марказий Европада атомсиз зона вужудга келтириш тўғрисида Польша хукуматининг тақдифи ҳозирги маъмул аҳволда тагин ҳам қаттароқ аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бу тақдифи Европадаги барча мамла-катлар, шу жумладан Габрий Герма-ниянинг ўзида ҳам аҳолининг кенг табақалари қўллаб-қувватламоқда-лар.

Атом қуроли жойлаштирилмаган территория атом урушининг ўчоғи бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли, атом қуролидан ҳоли бўлган зона вужудга келтириш чорларини сақ-лаш йўлида қўйилган муҳим қadam бўлади ва шу билан бирлида ишоч-и вазинатини вужудга келтиришга ердан берган бўлур эди ва бошқа ма-салаларнинг, аввало, қуролизла-шини проблемасининг ҳал қилини-шини енгилаштиришга бўлур эди. Чехословакия Республикаси ва Гер-мания Демократик Республикаси ху-куматлари Польша Халқ Республика-сининг планга тўғрисидаги рози эканлиқларини биргаликда қилиш-кейин фақат бир хукумат — Герма-ния Федератив Республикаси хуку-мати Европада тинчликни таъмин-лайдиган бу муҳим таъбирнинг шу дамгача амалга оширилмаётганини учун эндиликда жавобгар бўлиб қо-лади.

Уч министр ўз хукуматларининг вужудга келтирилмоқчи бўлган атом-сиз зонада, Польша хукумати ўзи-нинг шу йил 14 февралдаги баёноти-да тақдиф қилганидек, кенг ва са-марали контроль системаси вужудга келтиришга тайёр эканлигини яна бир марта таъкидлайдилар. Улар шунинг ҳам уқтириб ўтадиларки, бу планнинг амалга оширилиши вужуд-га келтирилмоқчи бўлган атом тер-риториясига қуроли қушлар ва ол-дий қуро-лроқлар сонига жамойи-риш чораларини қўйишга имконий-ет берган бўлур эди.

Уч министр ўз хукуматларининг бу план деталларини манфаатдор давлатлар билан муҳокама қилишга тайёр эканлигини билдирадилар.

Шу факт ҳам катта аҳамиятга эгадирки, Польша Хукуматининг тақдифини Совет Иттифоқи хуку-мати қўллаб-қувватлаб, атом қуролига эга бўлган бошқа давлатлар билан бирлида шу зонага қарши ядро қуролини қўллашмаслик тўғрисида маъбурият олишга ўзининг тайёр эканлигини билдириди. Уч министр, шу масалалар ҳақида шу вақтгача

ўз фикрларини айтишдан бўйин товлаб келган Габр давлатлари Со-вет Иттифоқининг ташаббусига кў-шилурлар деб умид билдирадилар.

Уч министр шунинг қайт қилади-ларки, Совет хукумати томонидан тақдиф қилинаётган юксак дорада-ги кенгашининг қақрилиши гоят катта аҳамиятга эга бўлиб, халқаро кескинлиқни юмшатишга ва кечик-тириб бўлмайдиган халқаро пробле-маларини ҳал қилишга ердан бериши лозим. Уч министр Габр давлатлари-даги муайян дорададаги юксак дорадаги кенгаш кун тартибига, масалан, суверен давлатларнинг ички ишларида ақинлашганидан иборат бўлган модаларни киритишнинг тақ-диф қилиб, бундай кенгаш қақриш-ни мураккаблаштириш ёки ҳатто уни бузиш йўлидаги уринишларига қарши чиқмоқдалар.

Уч министр ядро қуроли синовла-рини Совет Иттифоқининг бир ўзи ларҳот тўхтатганини тўғрисида СССР Олий Советининг муҳим қаро-рини таъкидлайдилар. Улар, Амери-ка Қўшма Штатлари ва Буюк Брита-ния хукуматлари бу масалаларга қарашининг сабабий муносабатларига алайдики, Совет Иттифоқининг қаро-рини қўйиб, ўзлари ҳам бу қуро-л синовларини тўхтатулар, деб умид билдирадилар. Бундай қилиш қуролизланишини бошқа пробле-маларини ҳал қилишга йўл очиб бе-рган бўлур эди.

Уч министр социалистик лагер-ини бирлиги ҳамда жаҳонда бирин-чи ва энг қудратли социалистик давлат бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ва бошқа барча социалистик мамлакат-ларнинг тинчлик сийсати ўз мам-лакатларининг халқсизлигини таъ-минловчи энг мустаҳкам гарантсия ва тинчлик гарантсияси эканлигини таъкидлайдилар.

Уч ташқи ишлар министрлари-нинг кенгашида шу министрларнинг хукуматлари томонидан ташқи сий-сат соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган таъбирлар тўғрисида фикрлашиб олindi. Шу билан бир вақтда уч министр шунинг уқтириб

ўтадиларки, Чехословакия Респу-бликаси, Германия Демократик Респу-бликаси ва Польша Халқ Респу-бликаси хукуматлари Европада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун бу-дан буён ҳам ҳамма чораларни кўра-дилар.

Чехословакия Республикаси, Гер-мания Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлари бу кенгашнинг натижалари ана шу олижаноб мақ-садларга эришишга ердан беради, деб ишондилар.

Чехословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши ёпилиди

ПРАГА, 12 апрель. (ТАСС). Че-хословакия телеграф агентлиги ха-бар беради: Бугун Прагада Герма-ния Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Че-хословакия Республикаси Ташқи

ишлар министрларининг кенгаши тамом бўлди. Прагадаги Черни са-ройида — Ташқи ишлар министр-лигининг биносига қўшма баёнот қабул қилинди. Сўнгра Германия Демократик Республикаси Министр-лар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Лотар Больц, Польша Халқ Республикаси

Ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Мариан Пашковский ва Чехословакия Республикаси Ташқи ишлар министри Вацлав Давид че-хословак ва чет эл журналистлари олдида баёнот бердилар.

Редактор З. ЕСЕНБОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — 16/IV да Сатиря, юмор ва қизикчилик кечаси, бербери ар-слонлари ва Бурят-мугул аттрак-ционининг давоми. Тамаша кеч соат 8 да бошланади.

«ИСКРА» — кундуз ва кечку-рун янги кинопокази Ҳақиқатини айтман.

«БШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да Чин инсон ҳақида кис-са, кундуз ва кечкурун Ҳақиқатини айтман.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Ҳақиқатини айтман, кеч соат 6-45 минутда Талантлар ва мухбирлар.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 16 ва 17 апрелда

ЎЗБЕК МАКОМЛАРИДАН

катта концерт

Кириш сўзини Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсат-ган санъат арбоби Илос Анбаров айтди.

Концертда: СССР халқ артисти Халима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Мукаррама Тур-ғунбоева, Фотима Борухова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Мавлю-ла Аъзамова, Эргаш Шук-руллаев, Саиджон Калонов, Карим Алиев, Ўзбекистон халқ ҳофзалари Эшмат Хайдаров, Орифхўжа Имомхўжаев, Аббас Хайда-ров ва филармония солист-лари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кун-дуз соат 3 дан сотилади.

Ҳамма номидида Ленин ор-денли Ўзбек давлат акаде-мик драма театрида СССР халқ артисти АБРОР ҲИДОЯТОВ БЕНЕФИС

16/IV да 500-спектакль

ОТЕЛЛО

Отелло ролини 17 йилдан берга муттасил ўйнаб кела-ётган АБРОР ҲИДОЯТОВ инжро этади.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА 15 ва 16 апрелда

Ўзбекистон ССР халқ артисти

МУКАРРАМА ТУРҒУНБЕКОВА

ва Ўзбекистон халқ ҳофиза

МАТМУРЖОН

УЗОҚОВ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадjon Мирза-ев, солистлардан Вазират Хўжаева, Муҳаббат Му-саева, Тўхта Рисметова ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 ярим-да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотила-ди.

Ново-Московская кўча, 35-уйда

турувчи Юрий Яковлевич Дега-ренин шу уйда турувчи Галина Викторовна Соколовадан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Куйбисев район, 4-участка халқ судида қўйилди.